



СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ МАМЛАКАТДА ФИСКАЛ СИЁСАТНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Азизбек Гиёсов

Фискал институту PhD giyosova780@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss1/i23

Аннотация

Мазкур мақолада солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш йўллари орқали солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган режимларида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлар ўртасидаги шарт-шароитларни, хусусан кичик тадбиркорлик субъектларини самарали фаолият юритишлари, энг асосий жиҳатлари сифатида талабга нисбатан шакллантирилган таклифларни яратувчиларга нисбатан солиқ юкини ҳамда солиққа тортиш тартиб-тамоийилларини оптималлаштириш ва бунинг ҳисобига хуфиёна бозор иштирокчиларига айланиб қолишини олдини олишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, тадбиркорлик субъекти, базавий ҳисоблаш миқдори, меҳнатга ҳақ тўлаш.

ЭФФЕКТИВНАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ ФИСКАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В СТРАНЕ ЗА СЧЁТ УЛУЧШЕНИЯ НАЛОГОВОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ

Азизбек Гиёсов

PhD Фискального института

Аннотация

В данной статье разработаны предложения и рекомендации, направленные на предотвращение превращения субъектов предпринимательства в участников теневого рынка, осуществляющих деятельность в упрощенном и общеустановленных режимах налогообложения путём совершенствования налогового администрирования и условий между субъектами хозяйствования, в частности, эффективной деятельности субъектов малого предпринимательства, оптимизация налогового бремени и принципов налогообложения в отношении создателей предложений, сформированных относительно спроса как наиболее важного аспекта.

Ключевые слова: налог на добавленную стоимость, налог с оборота, субъект предпринимательства, оплата труда, базовая расчетная величина.

EFFECTIVE ORGANIZATION OF FISCAL POLICY IN THE COUNTRY BY IMPROVING TAX ADMINISTRATION

Azizbek Giyosov

PhD Fiscal Institute

Abstract

This article develops proposals and recommendations aimed at preventing the transformation of business entities into participants in the shadow market operating in simplified and generally established taxation regimes by improving tax administration and conditions between business entities, in particular, the effective activities of small businesses, optimizing the tax burden and principles of taxation in relation to the creators of proposals, formed with respect to demand as the most important aspect.

Key words: value added tax, turnover tax, business entity, wages, basic calculated value.

Кириш

Бозор принципларига асослаган мамлакатлар иқтисодиётида давлатнинг тартибга солувчи иқтисодий дастаклари сифатида фискал (*бюджет-солиқ*) ва монетар (*пул-кредит*) сиёсатлар эътироф этилади. Фискал сиёсат - бу ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини ва бандлигини ўзгартириш, инфляцияни назорат қилиш ва иқтисодий ўсишни тезлаштириш мақсадида давлат харажатлари, солиқлар ва давлат бюджетини ўзгартириш орқали иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизими ҳисобланади.

Солиқ юки юқори бўлса тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсир этиб, унинг инвестиция фаолиятини чеклаб қўяди, ушбу ҳолатда корхона фаолиятини тўхтатиши ёки “яширин иқтисодиёт” га ўтиб кетиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам давлат бундан зарар кўради, мамлакат бўйича ишлаб чиқаришнинг пасайишига охир оқибатда ялпи ички маҳсулотнинг қисқариши, солиқлар орқали келиб тушадиган даромад манбаини торайишига олиб келади.

Яширин иқтисодиётни қисқартириш, шу жумладан бизнеснинг «соядан» чиқишини рағбатлантириш, тенг рақобат муҳитини таъминлаш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, шунингдек қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини соддалаштириш[1], солиқ тизимини тўлиқ рақамлаштириш, соддалаштириш ва барча тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратиш, расмий сектор — нолегал фаолиятдан афзал ва манфаатли бўлиши учун барча зарур шароитларни таъминлаш[2] бугунги кундаги асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Юқори нуфузга эга бўлган Heritage Foundation экспертларининг жуда юқори даражадаги солиқ юки солиқ тўловчиларнинг иш фаоллиги пасайтиради ва солиқдан қочиш йўллари топиш мажбур қилади. Фискал эркинлик иқтисодий эркинликнинг умумий даражасини кўрсатувчи мезонлардан бири бўлиб, ушбу мезон орқали жаҳоннинг турли мамлакатларидаги вазиятни жамғарма экспертлари тушунтиришга ҳаракат қилади. Сўнги йилларда иқтисодий эркинлик индекси бўйича энг юқори ўзгаришларга эришган мамлакатларга Доминика (59,7 балл+5,3), Черногория (60,9 балл+3,1), Белиз (59,8 балл+3,2), Эсвантини (54,9 балл+3,5), Лесото (51,6 балл+3,5), Саудия Арабистони (58,3 балл+2,8) тўғри келади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий эркинлик кўрсаткичи 56,5 балл бўлиб, 0,8 баллга ортиб иқтисодиёти 2023 йил индексида энг эркин давлатлар қаторида 109-ўринни эгаллади. Ўзбекистон Осиё-Тинч океани минтақасидаги 39 давлат орасида 23-ўринни эгаллаб, умумий балли минтақавий ва жаҳон ўртача кўрсаткичларидан паст. Ўзбекистон иқтисодиёти сўнги беш йил ичида (2020 йилни ҳисобга олмаганда) ўсиш ижобий бўлди. Худди шу даврда иқтисодий эркинлик ривожланди. Инвестицион,

савдо ва молиявий эркинлик кўрсаткичларининг сезиларли ўсди. Умумий солиқ юки умумий ички даромаднинг 18,7 фоизини ташкил қилинганлиги эътироф этилган[3].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодчи олимлар норасмий секторнинг бозорга, хусусан, расмий ва норасмий компаниялар ўртасидаги рақобатга таъсири борлигини таъкидлайдилар, чунки норасмий компаниялар қоидаларга риоя қилмайдилар, бу орқали сунъий равишда пастроқ солиқ юки даражасига эришадилар.

Ф.Шнайдер ва Д.Энстелар ўз тадқиқотларида яширин иқтисодиётнинг қуйидаги салбий оқибатларини таъкидлаб ўтганлар[4]:

Биринчи, энг салбий оқибат иқтисодиётда тенглик ва адолат тамойилининг бузилиши билан боғлиқ. Яъни, бозор иштирокчиларининг айримлари товар ва хизматларини давлат томонидан белгиланган солиқларни тўлиқ акс эттирувчи нархларда сотиб олиши, бошқаларнинг эса, яширин иқтисодиётда ишлаб чиқарилган ўхшаш, аммо, арзонроқ товарлар ёки хизматларни сотиб олишлари иқтисодий тизимни адолатсиз қилади. Шунингдек, бу субъектларнинг барчаси давлат хизматларидан фойдаланади. Оқибатда расмий иқтисодиётда фаолият юритувчилар зиммасига давлат ижтимоий товарларни молиялаштиришда керак бўладиган барча солиқ юки тушишига олиб келади.

Иккинчидан, юқори даражадаги яширин иқтисодиётнинг мавжудлиги бозор тизимига ва рақобатга путур етказиши. Расмий иқтисодиётда фаолият юритувчи, солиқ ва меъёрий-ҳуқуқий мажбуриятларни тўлиқ бажариши шарт бўлган корхоналар хуфий фаолият юритувчи ва бу мажбуриятларни бажармаётган корхоналар билан рақобатлашса, улар муқаррар равишда адолатсиз рақобатга дуч келадилар. Бу адолатсизлик солиқларнинг ошиши ва маҳанизмини анча адолатсиз қилади.

Учинчидан, яширин иқтисодиёт солиқ тизимининг самарадорлигини пасайтиради. Агар мамлакат иқтисодиётнинг катта қисми норасмий секторда фаолият юритиб, солиқ мажбуриятларини бажармасида, лекин барибир давлат хизматларидан фойдаланса, у ҳукуматни солиқ тўловчиларга солиқ ставкаларини кўтаришга мажбур қилади, бу эса, яширин норасмийликни мавжудлигини яна ошишига олиб келади. Шунингдек, ҳукумат макроиқтисодий қийинчиликларнинг олдини олиш учун камроқ солиқ тушумига эга бўлиши натижасида қўшимча чоралар киритишига тўғри келади ва бу давлат фискал сиёсатининг нейтраллигига путур етказиб, солиқ тизимининг самарали ташкил этилиши салбий таъсири юзага келтиради.

Жаҳон иқтисодий ривожланишида солиқ соҳасида турли хил фикрлар мавжуд бўлиши билан бирга, солиқ маъмурчилиги ва уни талқин этиш хусусида ҳам турли хил фикрлар мавжуд. Иқтисодий адабиётларда солиқ маъмурчилигининг моҳиятини англаш бўйича бир-биридан фарқланувчи қарашлар мавжуд. Масалан, инглиз олимаси О.Ногинанинг фикрига кўра, солиқ маъмурчилиги солиқларни ундириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуидир. Бошқа бир гуруҳ иқтисодчилар, хусусан америкалик олим А.Тейт солиқ маъмурчилигини барча солиқларни минимал харажат қилиб максимал даражада йиғиб олишга қаратилган тадбирларнинг йиғиндиси сифатида қарайдилар[5].

Фикримизча, солиқ маъмурчилиги самарадорлигининг муҳим шarti солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларнинг муайян нормаларини амалга ошириш тартибини қонун йўли билан белгилашдир. Солиқ тўловчининг солиқ

маъмуриятини тушуниши, адолатни тиклаши ва солиқ тўловчининг солиқ муносабатларида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаши керак.

Тадқиқот методологияси


Мақолада илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, илмий мушоҳада, тасвирий статистик таққослаш индукция ва дедукция баҳолаш усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Солиқлар ва йиғимлар турларидан қўшилган қиймат солиғи билвосита солиқ ҳисобланиб, унинг ҳақиқий юки маҳсулотни ишлаб чиқарувчига эмас, балки шу маҳсулотнинг охириги истеъмолчисига тўғри келади, чунки бу солиқ маҳсулот қийматига киритилиб, харидор томонидан тўлаб берилади.

2019 йил 1 январдан ўтган йил якунлари бўйича йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш, бунда, йиллик оборот (тушум)нинг 1 миллиард сўм этиб белгиланган чегаравий миқдори 3 йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилиши белгиланган[6].

Солиқ концепциясини амалиётга жорий этилиши билан бевосита солиқлар улушининг жами солиқ тушумларида ошганлигини кўришимиз мумкин, бу албатта ижобий натижа чунки ушбу солиқларнинг улуши солиқ ставкаларининг пасайганлиги даромадлар кўпайишига хизмат қилганлигини англатади ҳамда ҚҚС тўловчилар сонининг 2016 йилга нисбатан 23 бараварга ўсиб, 2023 йил 1 декабрь ҳолатига 190 мингдан ортиқни ташкил этган.



1-расм. Солиқ тўловчиларнинг 2016-2023 йилдаги динамикаси[7]

Шунингдек, қўшилган қиймат солиғи давлат бюджетининг даромадлари прогнозиди асосий билвосита солиқ тури бўлиб, унинг ўзгариш динамикасини қўйидаги 1-жадвалда кўриш мумкин. Маълумотларга кўра, 2020 йилда 2024 йилга нисбатан ҚҚС бўйича прогноз 72 фоизга ортиганлигини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон солиқ қонунчилигида бугунги кунда 2 хил ҚҚС ставкаси мавжуд: 12 % ва 0 %. Бунда 0 % фоиз фақатгина товарлар экспортига ва айрим экспортга тенглаштирилган операцияларга нисбатан қўлланилади. Қолган товар ва хизматлар

(имтиёзликлардан ташқари) 12 % ставкада солиққа тортилади. Дарҳақиқат, солиқ ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилиши 2023-2024 йиллар бюджет даромадлари прогноз ҳисоб-қитобларини тайёрлашда инobatга олинганлиги ҚҚС улушини камайганлигини кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2020-2024-йиллар учун республика бюджети даромадлари прогнози ҚҚС ўрни[8], млрд.сўм

Т.р	Кўрсаткичлар	2020	2021	2022	2023	2024
	Республика бюджет даромадлари	98186,1	120231,7	162587,0	183442,8	212643,0
1	Бевосита солиқлар	25187,2	32515,5	44342,0	47127,1	55697,7
2	Билвосита солиқлар	52165,6	60145,9	69814,4	84515,5	106364,1
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	42992,4	46955,4	53300,0	63775,4	74045,7
	ҚҚС нинг бюджет даромадларидаги улуши, <i>фоизда</i>	43,8	39,1	32,8	34,8	34,8

Иқтисодиётнинг турли тармоқларига нисбатан бир хил ҚҚС ставкасини қўллаш уларнинг молиявий аҳволига турли таъсир кўрсатади. Масалан, ишлаб чиқариш соҳасида ҳисобга олинadиган ҚҚС суммаси катта миқдорда мавжуд бўлганлиги сабабли (ҚҚС тўловчилари ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун сарфланadиган ресурсларни ҚҚС билан харид қилишга ҳаракат қилади) ҳақиқий (эфектив) ставка 5 % дан ошмайди. Лекин хизмат кўрсатиш соҳасида материал ресурслар деярли сарфланмаслиги натижасида, хизмат қийматига ҳисобланadиган ҚҚСнинг эфектив ставкаси 15 % ташкил этади.

Яъни, бу ҳолат адолатсизликка олиб келади. Масалан, фойда солиғи ёки айланмадан олинadиган солиқда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳақиқий ставкалар деярли бир хил бўлади. Натижада, ҚҚС билан боғлиқ ҳаражатларни камайтириш мақсадида хизмат кўрсатувчи корхоналар айламасини 1 млрд. сўмдан оширмасликка, “парчаланишга”, хизмат ҳаққини маълум қисмини нақд пул кўринишда олишга ҳаракат қилишади.

Бу эса, ўз навбатда Ўзбекистон бозорида йирик ва қудратли хизмат кўрсатувчи корхоналарни кўпайишини тўхтатиб туради ҳамда ҳуфёна иқтисодиётни қисқаришига тўсқинлик қилади.

Хитойда ҚҚСнинг асосий ставкаси 13 % белгиланган бўлишига қарамасдан, хизмат соҳаси учун ҚҚС ставкалари 9 ва 6 % миқдорда белгиланган[9], Швецияда асосий ставка 25 % миқдорда белгиланган, лекин умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, транспорт хизматлари ва бошқа хизмат турларига нисбатан 12 ва 6 % ставка қўлланилади[10] ва Буюк Британияда ҚҚСнинг асосий ставкаси 20 % миқдорда белгиланган бўлсада, 5 % ставка умумий овқатланиш, мехмонхона хизматлари, кўнгилочар хизматлар ва хоказоларга нисбатан қўлланилади[11].

Солиқ режимлардаги солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ юки юқори бўлса тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсир этиб, уларнинг фаолиятини чеклаб қўяди ва “хуфёна иқтисодиёт”га ўтиб кетиши мумкин бўлади. Пировард натижада давлат даромадларини шакллантирувчи солиқлар ва йиғимларни

тушумларни пасайишига, мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқаришига охир оқибатда ялпи ички маҳсулотнинг камайишига олиб келади.

Охирги истеъмолчиларнинг даромадлиқ даражаси, йиллар давомида мамлакатдаги инфляция даражаси ва бунинг ҳисобига умумий талабга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятлари доирасида амалга оширган товарайланмаларнинг боғлиқ солиқ режимини белгилаш мезонлари кўриб чиқишни лозим деб топдик. Иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ва базавий ҳисоблаш миқдорлари жорий қилиниши аҳолини талабига нисбатан истеъмол қилиш имкониятини ошириш орқали таклиф этувчи тадбиркорлик субъектларининг товарайланмаларини ортишига олиб келди.

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти экспертлари Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғининг (ҚҚС) 15 фоиздан 12 фоизга туширилишини истеъмол товарлари нархлар даражасига таъсирини ўрганди. Институт таҳлилларида нархлар бўйича айрим муҳим фактларни ажратиш мумкин: 46 та гуруҳ бўйича 1115 та товар нархи ўзгармаган; 20 та гуруҳ бўйича 1306 та товар нархи 1 фоизгача ошган; 12 та гуруҳ бўйича 585 та товар нархи 1-5 фоизга ошган; 7 та гуруҳ бўйича 567 та товар нархи (1,6% гача) пасайган. Институт таҳлилчилари ҚҚСнинг туширилиши нархлар даражасига таъсир этмаганининг асосий сабаблари қаторига қуйидагиларни киритмоқда[12]:

истеъмол товарлари бозорида хуфёна иқтисодиёт улушининг катталиги ва солиқлардаги пасайишлар расмий ишлаётган фирмаларнинг нисбатан кичик миқдордаги фойда маржасини ошишига йўналтирилиши;

бозорларда тегишли равишда рақобат муҳитининг шаклланиб улгурмагани;

нархларга таъсир этувчи бошқа асосий омиллар (доллар курси, қайта молиялаш ставкаси, пул массаси ва бошқалар) таъсир кучининг ошиб бориши.


Белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш йиллик айланмасининг миқдори жорий этилган даврдаги энг кам иш ҳақининг 4,9 баравардан ортиқ ва яна бир асосий кўрсаткичлардан бўлган хорижий валюта нисбатан қиймати билан таққосланганда 120 минг АҚШ долларига тўғри келганлиги кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Умумбелгиланган солиқ режимига ўтишнинг миқдори киритилган даврдаги ҳисоб-китоби

1000 000 000 сўм	Энг кам иш ҳақи	01.11.2018	202730 сўм	4932,7 баробар
	АҚШ доллари курси	01.01.2019	8 336.25 сўм	120000\$

Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсия тайинлаш ҳамда солиқ, давлат божлари, жарималар, йиғимлар ва бошқа тўловларни ундириш ўртасидаги шартларнинг боғлиқлигини бартараф этиш мақсадида 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ва базавий ҳисоблаш миқдорлари жорий қилингани ҳолда макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида ҳисоб-китоб қилинган инфляция даражасига мос равишда йилдан-йилга ошириб борилган.



2-Расм. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ва базавий ҳисоблаш миқдорлари динамикаси[13]

Фискал барқарорликни таъминлашда давлат харажатларининг ўсиши, оммавий кредитлаш ҳисобига пул массасининг ҳаддан ташқари кўпайиши, йирик фирмаларнинг нархларга монопол таъсири, мамлакатда ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмининг пасайиши ва товарларнинг етишмаслиги натижада нархлар ошиши аҳоли даромадларининг бир хил даражасини сақлаб туришда салбий вазият ҳисобланади.

Бу ҳолат ўз навбатида кичик бизнес вакиллари товар айланмалари ҳажмини ошириб, солиқ режимини ўзгартиришга, яъни қўшилган қиймат солиғи маъмурчилигидан ташқари фаолият юритувчи субъектлар билан муносабатга киришишилиги мазкур режимнинг афзаллигидан (ҳисобга олиш) фойдаланиш чекланади.

Ўмумбелгиланган солиқ режимига ўтиш, яъни қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида фаолият юритиш учун миқдорнинг ушбу мезон киритилган даврдаги кўрсаткичлар бугунги кундаги маълумотлар билан ҳисоб-китоб қилинганда фарқ борлиги аниқланди. Хусусан, бугунги кундаги базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан 1,6 млрд.сўмни, жорий қилинган иш ҳақининг энг кам миқдорига нисбатан 4,8 млрд.сўмни ва АҚШ доллари эквивалентида 1,5 млрд.сўмни ёки ўрта ҳисобда 2,6 млрд.сўмни ташкил этмоқда.

3-жадвал

Ўмумбелгиланган солиқ режимга ўтишнинг бугунги кундаги миқдорининг ҳисоб-китоби, сўмда

4932,7 баробар	Базавий ҳисоблаш миқдори	01.12.2023	330000 сўм	1627 000 000
	Энг кам миқдор		980000 сўм	4834 046 000
120000\$	АҚШ доллари курси	06.11.2023	12254 сўм	1 470 480 000
Ўрта ҳисобда				2643 842 000

Халқаро амалиётда мавжуд ҳолатлар таҳлил қилинганда, хусусан Россия Федерациясида соддалаштирилган солиқ режими татбиқ этиладиган корхона ва якка тартибдаги тадбиркорлар қўшилган қиймат солиғи тўловчиси ҳисобланмайди. Бунда, йиллик товарайланмаси 251,4 млн.рублан (2,7 млн. АҚШ доллари) ва ишловчи ходимлар сони 130 нафардан ошмаслиги[14] ҳамда Қозоғистон Республикаси Солиқ кодекси 82-модда 4-бандига[15] асосан қўшилган қиймат солиғи бўйича рўйхатдан ўтиш миқдори энг кам иш ҳақининг 20 000 баравари ёки 69 000 000 тенге этиб (147 366.96 АҚШ доллари) белгиланган (маълумот учун 2023 йилда ЭКИХ 3450 тенге).

Хулоса ва таклифлар

Мавзуга доир амалга оширилган тадқиқотлар ва илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда қуйидаги хулосалар шакллантирилиб, амалий тавсиялар ва илмий таклифлар ишлаб чиқилди.

Давлат даромадларини учдан бир қисмини ташкил этувчи билвосита солиқнинг маъмурчилиги янада такомиллаштириш, солиқ тўловчиларга мазкур солиқдан самарали фойдаланишлари ҳисобига ҳамда фаолиятларини қонуний амалга оширишлари учун мақбул солиқ механизми жорий этиш орқали уларни хуфиёна даромадлар кўламини янада камайтириш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

кичик тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини тенг тақсимлаш мақсадида умумбелгиланган солиқ режимига ўтиш, яъни қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида фаолият юритиш учун амалдаги мезон миқдорнинг қайта кўриб чиқиш. Бунда, айланмадан олинadиган солиқ тўлаш ҳуқуқини сақлаб қолиш учун фаолият жойида худди шу фаолиятни амалга оширувчи бошқа солиқ тўловчи билан алмаштиришни ёхуд фаолиятни икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасида бўлишни амалга ошириш бизнесни бўлиш деб тан олиш лозим бўлади;

республикамизда солиққа тортиш тизимини ўрта муддатли истиқболда такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлаш, ҚҚС маъмуриятчилигида адолатлилик принципини таъминлаш мақсадида ҚҚСнинг табақалаштирилган ставкасини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бунинг натижасида хизмат кўрсатиш соҳасидаги солиқ юки бошқа тармоқларга нисбатан тенглашади ва соҳани ривожланишига давлат томонидан туртки берилади. (Хизмат кўрсатиш соҳасига жумладан, умумий овқатланиш, консалтинг, бошқа профессионал хизматлар, туризм ва хоказолар киради).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон Фармони.

3. Heritage Foundation, Index of Economic Freedom 2016.

<https://www.heritage.org/index/ranking>.

4. Shneider, Friedrich, and Dominic H. Enste. “Shadow Economies: Size, Causes, and Consequences.” *Journal of Economic Literature*, vol. 38, no. 1, 2000, pp. 77-114. *JSTOR*, <https://www.jstor.org/stable/2565360>. Accessed 17 Jan. 2023

5. Ефремова Т.А. Научные подходы к сущности, качеству и результативности налогового администрирования. Финансовая аналитика. Проблемы и решения. Налоги и налогообложение. Научно-практический и информационно-аналитический сборник. Финансы и кредит. № 46. (184) -2013. стр. 44.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони.

7. Муаллиф томонидан Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

8. О‘zbekiston Respublikasining 2019 yil 9 dekabrda O‘RQ-589-son, 2020 yil 25 dekabrda O‘RQ-657-son, 2021 yil 30 dekabrda O‘RQ-742-son, 2022 yil 30 dekabrda O‘RQ-813-son va 2023 yil 25 dekabrda O‘RQ-886-son Qonunlarning 4-ilovasi.

9. <https://www.china-briefing.com/news/what-tax-incentives-can-businesses-enjoy-under-the-shanghai-lockdown/>

10. <https://www.avalara.com/vatlive/en/country-guides/europe/sweden/swedish-vat-rates.html>

11. <https://www.taxathand.com/article/14941/United-Kingdom/2020/Reduced-VAT-rate-on-catering-accommodation-and-attractions>.

12. <https://m.kun.uz/news/2023/03/02/qqs-pasaydi-narxlar-pasaymadi-pmti-ekspertlari>

13. Муаллиф томонидан Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

14. Приказ Минэкономразвития от 19.10.2022 № 573. Пункты 4 и 4.1 ст. 346.13 Налогового кодекса Российской Федерации.

15. Қозоғистон Республикаси Солиқ кодекси 82-моддаси.